Эшқобил
Шукуров

# СОЧЛАРИ СУМБУЛ-СУМБУЛ...

Тошкент
Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат
нашриёти
1988

www.ziyouz.com kutubxonasi

Уз2
Ш91

Шоирнинг илк китоби

**Шукуров, Эшқобил.**
Сочлари сумбул-сумбул... [Шеърлар]. — Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. — 64б.

Эшқобил Шукуров — дунёни образли идрок этади. У шеърларида инсон руҳининг ноаён тебранишлари, долғалари ҳақида сўз юритади.

Ушбу тўплам шоирнинг илк китоби. Ўйлаймизки, эҳтирос ва ҳаяжонга йўғрилган, ҳайрат ва муҳаббат акс этган бу шеърлар сизнинг эътиборингизни тортади, мафтун этади.

Шукуров Э. Твои волосы: Стихи.

**Уз2**

Ш $\frac{4702570200-198}{M352(04)-88}$ Доп. 88

© Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988 й.

ISBN 5—635—00168—8

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Кўнглимни тошга ёрдим,
Тошлар синди-я чил-чил.
Сув ичгали кўзимга
Қушлар қўнди-я бир-бир.

Тушимни сувга айтдим,
Сувлар ёнди-я лов-лов.
Чўғ тергали тилимга
Қушлар қўнди-я бирров.

Дардни ёмғирга айтдим,
Ёмғир тинди-я сим-сим.
Гул тергали кафтимга
Қизлар қўнди-я лим-лим.

Ишқимни ойга айтдим,
Ойлар тўлди-я гул-гул.
Куй ичгали кўнглимга
Сўзлар қўнди-я бир-бир.

## БОЙМОҚЛИДА БАҲОР

*Азиз акага*

Боймоқлида майса ниш урар,
Оқшом йўлини чангитар пода.
Дарахтларда гуллар ғуркирар,
Тўлқинлар тирилар дарёда.
Боймоқлида қирлар остида,
Кўз очади минг-минг қўзичоқ.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Яшилланган томлар устида
Келинлардай титрар қизғалдоқ.
Сингилларнинг сочини ўйнаб,
Енгил-енгил елар шамоллар.
Кечалари ўтмиши бўйлаб,
Юриб чиқар ўтовда чоллар.
«Боймоқлида баҳор! Бўлинглар!» —
Чорлайдилар бир-бирларини.
Боймоқлида туғар келинлар
Ўзбекистон шоирларини.

## ТИНЧЛИК ХУСУСИДА НУТҚ

Бир гўзал фаслда дарёдай тўлиб,
Буғдойзорлар бўйлаб шарқирайди нур.
Ўтган гуноҳларни кечирмоқ бўлиб,
Келасан, оламда салобат, сурур.

Биз бирга бўламиз эртакдагидай,
Кунлар ўтадилар осойишта.
Мен бахтнинг қироли бўлиб чиқаман
Бахтли кун аталган намойишга.

Умримни тўлдирди ғамгин қиссалар,
Ой кетдинг, ойлардан қайтгин саломат.
Жилмайиб туради стюардессалар,
Сен ерга қайтасан ниҳоят.

Қайтасан, ярқирар менинг бошимда
Бор тонглар нуридан терилган гултож.
Қора гулчамбардай яшнар бўйнимда,
Минглаб дилбар тундан йиғилган бир соч.

Ёмғирлар шиғалаб ёғар бағримга,
Тоғларим юзидан ўпар самолар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Қачонлар хомталаш бўлган еримда
Кеза бошлайдилар улуғ сиймолар.

Биз бирга бўламиз эртакдагидай,
Кунлар ўтадилар осойишта.
Мен бахтининг қироли бўлиб чиқаман
Бахтли кун аталган намойишга.

## ШОЛИ ҚЎРИҚЧИСИ

Чумчуқ, чумчуқ, шўр тумшуқ,
Ҳоййо-ҳуйт! Ҳоййо-ҳуйт!
Тумшуғингни тошга тут,
Ҳоййо-ҳуйт! Ҳоййо-ҳуйт!
Шолипоя кўллаган —
Осмонлар чўкиб ётар,
Тилларанг балиқчалар
Юлдузга бўкиб ётар.
Ҳоййо-ҳуйт! Ҳоййо-ҳуйт!
Шамолга забон бериб,
Шолипоя чайқалар...

Сувнинг оҳангин териб
Куйлаб кетар бақалар.
Ҳоййо-ҳуйт! Ҳоййо-ҳуйт!
Кенг уйнинг бекасидай
Бошда тутлар қаппайган,
Туянинг ўркачидай
Четда чайла сўппайган.
Ҳоййо-ҳуйт! Ҳоййо-ҳуйт!
Кун иплари узилар
Нурдан қўпчир қишлоқлар.
Қизлар каби сузилар,
Бўйига етган бошоқлар.
Ҳоййо-ҳуйт! Ҳоййо-ҳуйт!



www.ziyouz.com kutubxonasi

## СУЮНЧИ

Ер каби қуёшдан айланай,
Тунларим сойларга беланур.
Бир ажаб тўйларга шайланай
Юрагим шодликка уйланур.
Суйганларим, суюнчи беринг.
Айланай, гулларнинг тилидан,
Кўзларимга ранглар тўлмоқда.
Юрагимнинг узун йўлидан
Ширин-шакар кунлар келмоқда.
Суйганларим, суюнчи беринг.

## КУПКАРИ

«Ҳайт!» — деди, улоқ кетди,
Ўртада табоқ кетди.
Ногаҳон эл гуриллар,
Гуриллайди чанг-тўзон.
Ер сийнадай зириллар,
Отларга қолди майдон.

Сулув-сулув ёллари
Сув ўтидай чайқалди.
Ёпинчиқнинг гуллари
Ер юзидай сайқалли.

Яроқлаган ягринда
Семиз қирлар ҳарсиллар,
Туёқларининг тагида
Қора чўғлар чирсиллар.

«Ҳайт!» — деди, улоқ кетди,
Ўртада табоқ кетди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Чангакдай қўли билан
Куч чангаллар чавандоз,
Отининг ёли билан
Чангни чалар чавандоз.

Қора-қора қомати
Қорайиб кўринади,
Лекин чавандоз оти
Кўзларда сурилади.
Ногаҳон эл гуриллар,
Ер ойнадай зириллар.

Музлаб қолди саратон,
Қуёш қорга ботади.
Ичдан йиғлар чопағон
Оти ўлиб ётади.

«Воҳ!» — деди, улоқ кетди,
Қош ила қабоқ кетди.
Чавандознинг кўнглидан
Шом ила Ироқ кетди.

Бирдан жуя қолди қариб,
Қил сиғмайди кўнгилга.
Отининг ғамин кўтариб,
Отсиз қайтар овулга:

Ўтдай ёнган дарага
Ўзин ташлаган кўнглим,
Гуриллаган даврада
Улоқ тишлаган кўнглим.

Энди ғамли эрига
Сўз айтмасдан ботиниб,
Олти ой аза тутар
Чавандознинг хотини.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ХУДБИНЛИК

Яна чегарадан чиқиб кетибман,
Хавотир хуржуни кенг орқангизда.
Фақат пул экилган... Худбинлик ўсган,
Гул излаб юрибман томорқангиздан.

Яна чегарадан чиқиб кетибман...
Тилингиз ачишар куйган қўл каби,
Жилмайиб турарди менинг чеҳрамда
Мангу қовжираган ҳақиқат лаби.

Дейсиз: «Ҳаддингни бил, ҳар сўз
хавфлидир», —
Фақат шу сиздаги бор бунёдкорлик.
Менга чегарани бузмоқ завқлидир,
Сизга эса завқли эҳтиёткорлик.

## ЯНГИ ЙИЛ ШЕЪРИ

*Синглимга*

Дон каби сепилди совуқ туманлар,
Оқ қорларни кийган йўллар чиройли.
Уйларнинг кўзлари деразаларда
Очилиб-сочилган гуллар чиройли.

— Совуқ қотмадингми синглим, эгачим,
— Акажон, жонимдан ўтмоқда аёз, —
Сеҳр-афсунларга етмади кучим,
Қорбобо эмасман, Эшқобил холос.

Ялдо кечасида бир йилни чекдим,
Оғир-оғир эди бу кеча кўнглим.
Онам аллаларин эслаб энтикдим,
Уларни Тошкентда сен айтгин, синглим.


www.ziyouz.com kutubxonasi

Боладай тинглай деб келдим қошингга
Унут қўшиқларнинг қаҳридан қақшаб.
Онам аллаларин айтгин бошимда,
Эгачим, айтиб бер онамга ўхшаб.

— Янги йил келмоқда, ака, янги йил!
Ягона байрам бу, ғамгинсиз бироқ?
— Мени онам каби тушунгил, сингил,
Ахир, ўтган йилим ўйлатар кўпроқ.

Ҳа, бир йил руҳимдан кечиб бормоқда,
Гоҳо шод, гоҳ маъюс палласи билан.
Кутмоғим зарурдир ҳар янги йилни
Онамнинг энг ширин алласи билан.

Ялдо кечасида бир йилни чекдим,
Қаршила, муштипар сўзларни тўшаб,
Онам алласини эслаб энтикдим,
Эгачим, айтиб бер онамга ўхшаб.

Бу йил ҳам сўнг манзил қошига борган,
Не топиб, неларни йўқотар кўнгил.
Сендан акангга деб бериб юборган
Онамнинг алласин йўқотма, сингил.

## БОЙҚАРО. 1501.

Эмраниб-энтикиб келдим қошингга,
Бесамар кунларим сочларин юлди.
Оғир бир савдолар қалқир бошимда,
Менинг юрагимда Навоий ўлди.

Қуёшга сўзим йўқ. Сўзим йўқ ойга.
Сен менинг ҳолимга куясан, ҳаёт.
Ўзи ботармиди қоп-қора лойга
Оппоқ қушларини учирган Ҳирот.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Қошингга эмраниб келдим, Ўзбегим,
Шоиринг кетдими мендан норизо.
Яхши бўлармиди халқим, ўзлигин
Шоирнинг қалбидан топса подшо.

Ўзбегим, биламан ҳаммасин, бироқ,
Билмагандан оғир энди билганим.
Минг бор ўлганингдан кўра хавфлироқ —
Юрагингда шоир бир бор ўлгани.

## ҲОЛАТ

У заминга сиғмай қолди. Вужудни қистар,
Парвозга чоғлаб,
Осмонларга учиб кетмоқни истар
Заминни қучоқлаб.

У заминга сиғмай қолди. Вужудни қистар,
Парвозга бошлаб,
Осмонларга учиб кетмоқни истар,
Заминни ташлаб.

## МИННАТДОРЧИЛИК

Элдошларим...
Жон деса жон берган, элдошларим,
Айланайин берган жонларингиздан.
Менга Ватан берган, элдошларим,
Айланай берган Ватанларингиздан.
Элдошларим...
Менга қўш-қўш кўнгиллар берган,
Жуфт-жуфт ҳуркак сингиллар берган,
Элдошларим...
Умримга, кўнглимга маънилар берган —



www.ziyouz.com kutubxonasi

Давра-давра оға-инилар берган,
Элдошларим...
Минг бора айланай ҳимматингиздан,
Сари зиёдалар бўлган давлатингиздан.
Элдошларим...
Бир кўркам ифорлар сочар йўлимга,
Бу иссиқ чеҳралар, ёруғ дийдорлар.
Аввал ўтиб борар менинг кўнглимдан,
Сизга етиб борган қишлар, баҳорлар.
Элдошларим...

Кўнглимга туморлар таққан, элдошларим,
Кўнглимга жонимдай ёққан, элдошларим,
Элдошларим...
Кечадан омонлик тилайман сизга,
Оқ дарёлар оқсин эшигингиздан.
Кундуздан омонлик тилайман сизга,
Тўданалар бўлай бешигингизда.
Элдошларим...
Менга сўзлар берган, менга куй берган,
Бир-бирига улашган қатор тўй берган,
Элдошларим...
Минг бора айланай ҳимматингиздан,
Тақдир суюб берган давлатингиздан,
Элдошларим...

## НОРБОЙ АКА МАРСИЯСИ

Икки дилга икки уя қўйган, қалдирғоч,
Кўя-кўкайлар қуриди, кўк томирлар
чириди.
Тошлар тегиб бу дунёдан тўйган,
қалдирғоч,
Қанотингда ёзлар куйди, қаҳратонлар
қариди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

О, қалдирғоч икки дилнинг оралиғида,
Ой-юлдузлар қотган кулга қолди айланиб.
Бу дунёнинг бир бетининг қоралигидан,
Ер чангиди, осмон эса кетди лойланиб.

Икки дилга икки уя қўйган, қалдирғоч,
Саринжимни сайлаб ўтган дамларинг қани?
Трамодан кўйлак тикиб кийган, қалдирғоч,
Қизил-яшил ойга тўлган шомларинг қани?

Икки дилга икки уя қўйган, қалдирғоч,
Кўк булутлар йўргаклайди фарёдларингни.
Хазонларнинг шўр сувидан тўйган,
қалдирғоч,
Инғолмайсан тобут қисган қанотларингни.

Икки дилга битта уя қўйган, қалдирғоч.

## ДУНЁНИНГ ТИНЧЛИГИ

Ҳилол ухлаётган пашшахонанинг
Бир буржин кўтариб термилади тонг.
Ҳилол ухлаётган пашшахонанинг
Ипига осилиб тебранар осмон.

Қовунлар, тарсиллаб ёрилмай туринг,
Торларни тирнаманг, чирилдоқлар-ов.
Пардада Ҳилолнинг уйқусин кўринг.
Кўринг, қандай ухлар тунлари олов.

Еллар дарахтларни етаклаб келар
Тонгнинг қўли очган оқ остонага.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Етти иқлимни ҳам сиғдирса бўлар
Ҳилол ухлаётган пашшахонага.

## МЕҲРИНИСОГА АЙТГАН АЛЛАМИЗ

Алласин юлдуз айтсин,
Тун айтсин, кундуз айтсин,
Эна қиз ухласин, эна қиз...

Кемадай чайқалар беланчак,
Шамоллар солади ҳалинчак,
Эна қиз ухласин, эна қиз...

Очилиб-сочилар кечалар,
Эркалар нордон еб чечалар,
Эна қиз ухласин, эна қиз...

Қадамларга кулсин эшиклар,
Гўдакларга тўлсин бешиклар,
Эна қиз ухласин, эна қиз...

## ПАБЛО... 1973

Кўнглим, мусичаи беозор кўнглим,
Севгидан толдингми, дарддан толдингми?
Кўнглим, мусичаи беозор кўнглим,
Итлар даврасига тушиб қолдингми?

Етимнинг кўзидай кўзинг жавдирар...
Бутун вужудлари иборат тишдан,
Теграңгда хўжасиз итлар бақирар,
Суягин сўрашиб учар гул — қушдан.

Ҳамдам этмоқ бўлдинг аҳир ўзингга
Не-не мард инсонлар, не орифларни...



www.ziyouz.com kutubxonasi

Не аччиқ қуюнлар ўйнар кўзимда,
Аёлдай қарғайман тасодифларни.

Кўнглим, ташқарида оғрир умидлар,
Сувлардан қайтиб ол тилакларингни,
Мунча, мунча ҳавас қилмаса итлар,
Гулнинг дарддай юмшоқ суякларини.

## ҚАНИ, СЕНИНГ ОВОЗИНГ?..

Гитаралар янгради,
Сўнг сеторлар ингради.
Залда қуллар ҳайқирдилар:
Қани, сенинг овозинг?

Бомбалар портладилар,
Қабрлар додладилар,
Микрофонлар титради нотиқларининг
сўзидан:
Қани, сенинг овозинг?..

Тўқнашиб қолдилар: кўкда — юлдузлар,
Кўчаларда — бири-бирига ўтмиш,
Бири-бирига келажак кўзлар,
Кашф этиб оламда сўнгги овозни.
Қани, сенинг овозинг?..

Бўронлар бўкирдилар,
Булутлар тўкилдилар.
(Улкан муз океанига айланади Ер).
Ҳаволар йиртилдилар,
(Чақмоқлар дарёдай оқар, гулдурар).
Қани, сенинг овозинг?..



www.ziyouz.com kutubxonasi

Овозга айланади гунгларнинг имолари,
Гумбурлаб портлаб кетар сукунат
даҳолари.
Қани, сенинг овозинг?..

Қани, сенинг овозинг?!
Чорлайман, бўғзимга тиқилар тоғ-тош.
Кўзим қирғоғини тўлқинлар бузар.
Кўксимга медалдай осилар бардош,
Овозга айланар қулоқлар, кўзлар.
Қани, сенинг овозинг?..

Қани, сенинг овозинг?!
Тилимни едирдим тўтиқушларга,
Оғиз бўшлиғимда бақирар юрак.
Умримни алишдим ширин тушларга.
Бутун халқ йўқотган энг гўзал эртак —
Қани, сенинг овозинг?..

Қани, сенинг овозинг?!
Бетховен қулоғин очгувчи оҳанг,
Туманлар ортида чарсиллаган нур;
Соҳир коинотда саккизинчи ранг,
Океанларнинг бағри бой беришган дур,
Қани, сенинг овозинг?..

Қани, сенинг овозинг?!
Майлига, бекор гап севгинг, дил розинг,
Ақалли бир товуш... Бирон калима...
Қарсиллаб синмасдан, чорлар овозинг,
Айсберглар ичида қолган бир кема. —
Қани, сенинг овозинг?..

Қани, сенинг овозинг?!
Фалаклар кашфидан йироқмидинг сен,



www.ziyouz.com kutubxonasi

Виждонлар ташвишга тушмоқда бу кун,
Сенинг овозингни чорлаяпман мен,
Оламни ғамлардан қутқармоқ учун.
Қани, сенинг овозинг?..

* * *

Мен қўрқаман мажнунтолнинг аразлашидан,
Шоҳларнинг титроғида йиғлар «Муножот».
Мен қўрқаман мажнунтолнинг аразлашидан,
Ўтинаман, ранжитмагин сен уни, ҳаёт.

Самоларга илтижолар йўллайман тунлар,
Кўзларимда сокин-сокин чайқалади дард.
Мажнунтолни четлаб ўтсин аразли кунлар,
Мажнунтолнинг япроғида ухлаб қолсин бахт.

Мен қўрқаман мажнунтолнинг аразлашидан...

## МЕНГИМ МОМОНИНГ ЙЎҚЛОВИ

*Инқилоб даврида ватандан кетган, хорижда ўз-ўзига йўқлов айтиб, дунёдан ўтган Менгим момонинг гиряси.*

Тоғдан тошлар қулайди,
Кўздан ёшлар қулайди,
Қисматнинг қора қўли
Пешонангни силайди.
Вой, Менгим-а, шўр Менгим.
Увв!.. Ув!!!

Кўзингда Боймоқлининг
Суратлари қотади,
Кафанда жонсиз тана —
Тирик армон ётади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Вой, Менгим-а, шўр Менгим.
Увв!.. Увв!!!

Сойларнинг бўйларида
Йиғлаб учар овозанг,
Гўристонга қўриқчи —
Ўқилмаган жанозанг.
Вой, Менгим-а, шўр Менгим.
Увв!.. Увв!!!

Ғорларда ухлар шамол,
Қирларда йиғлар шамол,
Шамолнинг этагидан
Тутиб бўзлайди хаёл.
Вой, Менгим-а, шўр Менгим.
Увв!.. Увв!!!

Хотирингда, олисда
Мунгли шам чарсиллайди.
Ота юрт соғинчидан,
Суягинг қарсиллайди.
Вой, Менгим-а, шўр Менгим.
Увв!.. Увв!!!

Қаро кунга қаро соч,
Ёяр бўлса сингиллар.
Кўзларинг қирғоғидан
Тўкилади кўнгиллар.
Вой, Менгим-а, шўр Менгим.
Увв!.. Увв!!!

Тоғдан тошлар қулайди,
Кўздан ёшлар қулайди.
Қалбингдан бир чуқурга
Ой, қуёшлар қулайди.
Вой, Менгим-а, шўр Менгим.
Увв!.. Увв!!!



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ғарибликда, бойвучча,
Ўз-ўзингни йўқлайсан.

Худога биринчи бор,
Отилгувчи ўқдайсан.
Вой, Менгим-а, шўр Менгим.
Увв!.. Увв!!!

Ҳув тоғлардан нарида,
Қирларда лола-шамлар,
Майсаларнинг бағрида,
Дурдай ёнар шабнамлар.
Бойсунтоғнинг бошида
Қорлари ялтирайди.
Қояларнинг минг йиллик
Сувлари сирқирайди.
Вой, Менгим-а, шўр Менгим,
Увв!.. Увв!!!

Гўрим ўз юрагимда,
Юракда бордир Ватан.
Қишлоқдан кийиб келган
Кўйлагим бўлсин кафан.
Вой, Менгим-а, шўр Менгим.
Увв!.. Увв!!!

Вой, Менгим-а, шўр Менгим,
Увв!.. Увв!!!

## БОБО ДЕҲҚОН

Кўпчиган тупроқда қақрар саратон,
Баҳор тебратади рангпар ҳавони.
Олти ой олдинда қақшар қаҳратон,
Кузгача омон элт олти дарёни.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Бўронда кемадай турар силкитиб,
Атом, нейтронлар ваҳми асрни.
Улардан юракка қўйдинг бекитиб
Икки қўлингдаги тўртта фаслни.

Баҳорга сарғайиб қарар саратон,
Яшил чанглар сачрар рангпар ҳавога.
Олти ой олдинда турган қаҳратон
Кузгача қон берар олти дарёга.

Кимлар сақлаб қолмиш — кўнглинг
тўлмайди —
Совуқ урушлардан кўлмак наслни.
Бу телба асрга бергинг келмайди
Икки қўлингдаги тўртта фаслни.

* * *

Дарахтим, мен яна
қошингга келдим.
Қайтмас кунларимнинг хотири учун,
Умримнинг айтилмас бор сири учун.

Дарахтим, мен яна
қошингга келдим.

Япроқлар юзида ой нури ўйнар,
Атрофда бўғилиб сукунат йиғлар.

Дарахтим, мен яна
қошингга келдим.

Умрим эрталарга бўй чўзаётир,
Ўтмиш кунларимдан олдим хавотир.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Дарахтим, мен яна
қошингга келдим.

## РУҲИМ

Аҳай-аҳа-ҳай. Аҳай-аҳа-ҳай!
Мен қушларнинг тушларида кўринай,
Мен тушларнинг қушларида кўринай.

Аҳай-аҳа-ҳай. Аҳай-аҳа-ҳай!
Мен оловнинг гулларида кўринай,
Мен гулларнинг тилларида кўринай.

Аҳай-аҳа-ҳай. Аҳай-аҳа-ҳай!
Мен тўйларнинг куйларида кўринай,
Мен куйларнинг тўйларида кўринай.

Аҳай-аҳа-ҳай. Аҳай-аҳа-ҳай!
Мен кўзларнинг сўзларида кўринай,
Мен сўзларнинг кўзларида кўринай.

Аҳай-аҳа-ҳай. Аҳай-аҳа-ҳай!

## ТЎҚҚИЗИНЧИ ФЕВРАЛЬ[1]

Мен эртага ўламан, она,
Агар, сен бу кеча бошимда
Ўзбек тилидаги қўшиқларни айтиб турмасанг.

Мен эртага ўламан, она,
Агар сенинг келинларинг бу кеча
Буюк шоирларни туғмаса, агар.

---

[1] Навоий туғилган кун.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Мен эртага ўламан, она,
Агар сенинг бахшиларинг бу кеча
Тонггача тугатолмаса «Алпомиш» дастонини.

Мен эртага ўламан, она,
Дарахт шохларида қушлар бу кеча
«Лисонут-тайр»ни такрор этмаса
Мен эртага ўламан, она.

Ухлай олмадим мен...
Бошимда қадимий қўшиқлар айтдинг,
Келинларинг туғди улуғ шоирларингни.

Бахшилар... Нафаси тиқилиб бўғизларига
«Алпомиш» сўнггини айтдилар тонгда.
Қушлар... Дарахт шохларида титраган қушлар,
Навоий тилида гапириб чиқди.
Мен ҳеч қачон ўлмайман, она!

## ЭНГ ҚАДИМГИ ҚЎШИҚ

Юлдузлар титрар, ҳайрон,
Осмоннинг ҳолига вой.
Қора кенгликдан кечиб,
Қиз кўксига қўнди ой.

Қизнинг мармар танида
Пориллайди ол дурлар.
Минг тола сочга шўнғиб,
Чарс-чарс синади нурлар.

Манзилга етиб бормас
Қора осмон имдоди.
Тун бўйнидан чангаллар
Бир йигитнинг фарёди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ваҳм туш оғушида
Чайқалиб қўяр овул.
Кўзларини ишқалаб
Уйғонади қоровул.

Қизнинг қоқ кўкрагидан
Нур шарқирар мисли сой.
Эрийди... Адо бўлмас
Қиз кўксига қўнган Ой.

Юлдузлар дор ташлайди,
Қитиқланар юраклар.
Дунёни севиб қолар
Шивирлашган тераклар.

Овулнинг вужудига
Оқади оқ ёғдулар.
Йигит Ойга ташланар,
Қўлида олов ханжар.

Юлдузлар титрар, ҳайрон,
Осмоннинг ҳолига вой.
Қизнинг кўксида қолди
Иккига бўлинган Ой...

## ДЕКАБРЬ

Ў, Декабрь,
Йилнинг қари қизи ў,
Мунчалар аразкаш бўлмайди-да, ой.
«Феълига яраша» деган гап бор-ку,
Мунчалар кўнглинг тор — кўчалари лой.

Эплай олмас эдинг апрель ўрнини,
На-да июнь ўрнин, на-да сентябрь...
Салгина ҳазилга тишлаб бурнингни,
Ҳар қандай фаслни қилардинг бебурд.



www.ziyouz.com kutubxonasi

У, Декабрь...
Кенгга кенг дунё бу қилмасдан уят,
Ўн битта синглингни солма буровга.
Уларда нима айб, ўзи табиат
Сени қахратонга берса куёвга.

## 68 СУМ

«Газлида зилзила!» хабари елди,
Маъюс ғўлдиради телевизорлар.
Ҳаво тўлқинлари лойқа чайқалди,
Уйма-уй минг хилда гаплар кезурлар.

Олис Бухорога бормаган, борган,
Суҳбатин пойладик катталарнинг,
Бизнинг кўнгилларга зилзила солган
Сўнгги ахбороти газеталарнинг.

Бизлар бола эдик, маъюс тингладик,
Тили айланмаган тафсилотларни.
Илк бора дунёвий дардни англадик
Ва уйимдан ташқари ҳолатларни.

Пул тўплай бошладик Газли учун биз,
Қўллардан юлдуздай ёғди тийинлар.
Катта танаффуслар қелди овқатсиз,
Кинолар қолдилар, қолди ўйинлар.

Бухоро, эшитгин, Бухоро, кўргин,
Сенинг бир дардингни чекувчиларни.
«Газлига ёрдам!» деб оёққа турди
Ҳамза номли мактаб ўқувчилари.

Балки, халқлар умрин шундай бошлаган,
Қўзғолди Газли деб болалар эли. —
Қизлар сумкасига хатлар ташлаган,
«Ватан!» — деб бақириб кўрмаган ҳали.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Қўллардан тийин эмас, ойлар ёғилди,
Ҳеч ким худбин эмас, ҳеч ким эмас зўм.
Ўн куннинг ичида тездан йиғилди,
Подшолар кўрмаган 68 сўм.
Бухоро, қайғурма, жоним Бухоро,
Келбатинг сақладинг не-не жангларда.
Сенга пул тўплади болалар эли,
Бунча пул бўлмаган семиз банкларда.
Директор қошига бориб мардона,
Дедик: «Газли учун пул тўпладик биз».
У-чи, қоғозларни титиб, жимгина,
Бу гапни эшитди бепарво, ҳиссиз:
«Ўҳў, зўрсанлару, хўш, қанча бўлди?»
«Анча бўлди, мана, 68 сўм».
Бирдан директорнинг бурни жийрилди,
Демак, бир сатанг гап ташлашн маълум.
Ҳали-да, бизларда умид бор эди,
Керак бўлмаса-да, мақтов ё раҳмат.
Лек, совуқ назар-ла директор деди:
«Иккам етмишингга зор эмас давлат!»
Давлатим, зор бўлма, бадавлат бўлгин,
Ўчган тандирларга шафқатларни тут.
Еринг ҳам осмонинг буғдойга тўлсин,
Аёллар кўксига сиғмай оқсин сут.
Кун келиб бир камлик бўлганда абас,
Энг обод кунларга етсанг мамлакат.
Миллионларни эмас, миллиардларнимас,
Иккам етмишларни эслаб қўй фақат.
Қолди директорнинг бебурд таънаси,
Бир маъни: ўша йил кенгайиб дунё,
Сурхонда, титради мактаб партаси —
Суянди ишончга қадим Бухоро.
Қолди директорнинг бебурд таънаси;
Бир маъни: ўша пайт биз-ла дафъатан
Тенгдошдай, пойтахти мактаб партаси,
Улғайиб борарди буюк бир Ватан.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Халқим, она халқим ўзинг ўргатдинг,
Ҳалоллаб ичмоққа ҳар бир нафасни.
Сенинг бойлигингу сенинг қудратинг
Ўша 68 сўмда эмасми.

## ҚАЙТИШ

*(«Саккизинчи осмон» туркумидан)*

(Уруш судралади,
уруш судралар...)
Ўғри тушди, ўғри... Қишлоққа кеча...
Қабарган йўлларнинг томирларидан
Ўсди қарғишларнинг қиёқ тиллари.
Қиличдай жаранглаб чиқди суяклар
Жангчиларнинг адаш қабрларидан.
*(Суюлган қонимни
сўради битлар...)*
Ўғри тушди, ўғри... Қишлоққа кеча
Айвон устунида сузма халталар
Елинидан оққан ойнинг зардоби
Мудроқ юлдузларни чўмилтираркан.
Силкинаркан зилзиладан елкалар.
(Ивирсиқ фалакни
қарғайди итлар...)
Ўғри тушди, ўғри... Қишлоққа кеча...
Дарахтларнинг қайроқ олмосдай тиғи,
Бўшлиқ қабоҳатин ёролмай гаранг,
Ўлган юлдузларни қондай тупурар,
Осмон тўрвасининг мудҳиш йиртиғи.
(Самовий кулларни
титкилар худо...)
Ўғри тушди, ўғри, қишлоққа кеча...
Осмонга чўзилиб увлар тераклар.
Шу тун болаларнинг гўдак кўнглида,
Аёл титроғидай уриб юраги,
Эркаклар туғилди, жасур эркаклар. —



www.ziyouz.com kutubxonasi

Туғилди урушда
Ўлган эркаклар.

* * *

Жимгина ишона бошлайсиз менга,
Дард билан суяна бошлайсиз менга.

Қаро кўзингизда оппоқ бир гуноҳ.
Бошингиз устида бўлайин паноҳ.

Бахтни асрагайман ўзимдан, бир кун
Сиз тўкар бахтдан зўр кўз ёшлар учун.

Жимгина ишона бошлайсиз менга,
Дард билан суяна бошлайсиз менга.

Майин ёмғирларга ёйиб, сочларни,
Кутасиз қайтажак қалдирғочларни.

Сиз маъюс, иймаииб яқинлашар чоғ,
Елкам елка эмас, етмиш икки тоғ.

Жимгина ишона бошлайсиз менга,
Дард билан суяна бошлайсиз менга.

## ҚАРИЯНИНГ ЎЛИМИ ҲАҚИДАГИ ХАБАРДАН СЎНГ

Қ а р и я: Имонини берсин.
Кўриниб қолмоқда сўнгги сарҳадлар,
Сктилиб кетянмиз кекса улфатлар.

Ў р т а ё ш: Ёшни яшаб, ошин ошади, лекин,
Пари билмаганни билгувчи эди,
Бошимизни қўшиб тургувчи эди.

Й и г и т: Суйганлар бахтлидир у чол даврида.
Тўй нафаси келар эди товушидан...

Б о л а: Энди эшагини ким минар экан?..



www.ziyouz.com kutubxonasi

## НОМУКАММАЛЛИК

Чорладинг...
Овозсиз оққанда йўллар,
Чорладинг — ҳилпираб
Байроққа айланди қўллар.
Мен йўқ эдим.
Чорладинг —
Оламнинг яқини ва олисидан,
Сен кўп деб, жаҳоннинг аҳолисидан...
Мен йўқ эдим.
    Севги!
    Тилимга кирма, Севги.
    Оёғингнинг тирноғи билан
    Юзингни тирна, Севги.

(Бир қадам ораси севги, нафратнинг)
Қарғишларнинг шамоллари қорайиб елар.
Мени нафратнинг ис босган гулларига,
Иффорлар деб шодмон кўмганингда —
Мен йўқ эдим.
Кечанинг кундуз билан жанжалларида,
Йўқолган кунларнинг ичида,
Йўқотилган кунларни излаб,
Калака бўлардим зарфишонларга
Мени қора шамол билан қувлаганингда —
Мен йўқ эдим.
    Нафрат!
    Тилимга кирма, Нафрат,
    Қушларнинг кўпчиган патлари билан
    Юзингни тирна, Нафрат.

Юракни иккига бўлдинг оламдай,
Бир ёни чорласа, бир ёни қувлар,
Бари бир, йўқ эдим.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Туманга айланган бир сирли ўғри
Калака қиларди ёритқичларни.
Кундуз озиб кетди, тун озиб кетди,
Туманнинг гупчайган ўғри халтаси
Семириб борарди озғин кун-тунда.
Вужуд эмас, руҳнинг манфаати деб
Фалак мулкин қилар суиистеъмол.

Севги...
Тилимга киргин, Севги,
Ҳар куни мен келтирган нурдаста
билан.
Нафратни супургин, Севги.
Ўттиз биринчи декабрь куни,
Айтганингдай —
Маъюслик, шодликнинг кўришув куни
Учрашдик, томорқада эмас,
Ерда ё коинотда эмас,
Севгида учрашдик, ўттиз бирида,
Мен бор эдим.
Эртага янги йил, — дединг сен,
Янги йилга ҳали битта умр бор,
Янги йилга қадар бутун севги бор,
Ўттиз биринчи декабрь туни,
Айтганингдай —
Хотира, умиднинг тутиниш туни
«12» рақамли қил кўпригидан
Биринчи ой сари ўтиб кетдинг сен,
Ўн учинчи ойга мен кетдим...
Туман адаштирар ва адашади.
Севги...
Ўзинг биласан, Севги,
Нега қарғаб-қарғаб ва куйиб-куйиб
Нафратга дугона бўласан, Севги.
Туман ёлғиз эди, энди ўғримас,
Ойнинг меҳробига қилар ибодат.
Сира сесканмасди, сескантирарди,



www.ziyouz.com kutubxonasi

Қўлида музлаган, ўлик юлдузлар
Тупукка ўхшарди кўзидаги ёш.
Бўшлиқда сарбасар учар, куйинар
Юз йилнинг тўзғиган куюк патлари...
Севги юз йил олдинда эди,
Туман эса юз йил орқада,
Қотиб қолган эди ўн учинчи ой.
Севги!
Дунёни оловли қучоқларингда
Қаритдинг, Севги!
Энди орқага қайт, юз йил орқага,
Ўн учинчи ойни эритгин, Севги!

## ЗЎРАКИ ҚАҲҚАҲА

Тишларимнинг ўртасида,
Икки қилич ўртасида,
Чавақланар қаҳқаҳа —
Ҳа! Ҳа! Ҳа! Ҳ...

Ойни тишлаб олдим мен,
Лабда юлдузлар қони.
Афлоқда йўқолдим мен,
Ўлмаган кимнинг жони.

Вужуднинг занжирбанди
Кўкракдаги илоҳа,
Қобирғаларга банди —
Ҳа! Ҳа! Ҳа! Ҳа!

Қаҳкашонлар жим қолар,
Оловларни кечаман.
Лойдан ясалган қадаҳ —
Юлдузларни ичаман.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Қаҳқаҳага алишдим
Умрлик армонимни,
Керак бўлса, худолар
Тинглайди фармонимни.

Дарахтларнинг устида
Ухлайман, сақлайман жон.
Мен сенга шерик эмас,
Қувонмагин, Робинзон.

Вужудим чопиб борар
Қилдай арқон устида.
Юрагим қолиб кетди
Ёмғирларнинг остида

Мени ташлаб кетдингми,
Меҳробдай топинганим,
Севгидан зўр илоҳа?!
Кет, сенсиз ҳам бахтлиман.
Ҳа! Ҳа! Ҳа! Ҳа!

Гуллар, нега кулмайсиз,
Ёзинг ғамгин кўнгилни.
Арилар топиб келар,
Қочиб қолган қотилни.

Юлдузларга кўмаман
Ғариб қолган бу тунни.
Сўнг қитиқлай бошлайман,
Совуқ қовоқ очунни.
Мени ташлаб кетмасанг,
Гаровдаги қаҳқаҳа,
Икки дунёдан зўрман.
Ҳа! Ҳа! Ҳа! Ҳа!



www.ziyouz.com kutubxonasi

## МАНГУЛИКДАН КЕТГАН ҚАРЗ

Муносиб эмасман, сенга ҳеч қачон,
Муносиб эмасман, ночор ва нўноқ.
Мен бугун ўлимга топширдим бир жон,
Уттиз тўққиз жоним қолди-ку, бироқ,

О, юрак бор-йўғим, сени чақирдим,
Сўнг отдим ағёрлар товоғи томон.
Сўнгги чироқларни кўздан ўчирдим,
Ажаб томошадан кулар оломон.

Кеча оғир эди. Кеча дилозор...
Яхшилар, ёмонлар, қолманг ғафлатда
Ҳар битта одамнинг қирқта жони бор,
Бир юрак ичида қирқ жон, албатта.

Зотан, азиз дўстга айтибман видо,
Мени театрга чорлар оломон.
«Сен нега бизларни тоқ қилиб қўйдинг?» —
Инғилиб келади ўттиз тўққиз жон.

Қайдасиз кўз ёшлар? Қайдасан, виждон?!
Чорлайман вахмали, шарафсиз, шонсиз.
Бўғзимга тиқилар ўттиз тўққиз жон,
Яшаб бўлмаяпти қирқинчи жонсиз.

## МАЙНА ҲАСАНОВА

Тилимни кесдилар, арзу додимга
Етмади юраксиз кажрафтор фалак.
Бир халқ йиғлаб қолди менинг ортимда,
Momoларим қолди дардимни элаб.
Тилимни кесдилар, фиғонларимга
Тангри сарак-сарак қилди бошини.
Бир Ватан бўялди ол қонларимга.
Боболарим қолди қарғаб ёшини.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Қон сачраган сўзлар излар элимни,
Шаҳид қабри узра яловдай сағир.
Кўнгил гулханига тоблаб тилимни
Куйламоқ истардим, куйламоқ... Ахир...
О, сен қайлардасан, заҳматкаш элим,
Бир қўйин минг қўйли бойга олдирган,
Кафтингда турсам-да, кесилди тилим —
Тиниқ аллаларга чоғланиб турган.
Розиман, бошингдан қон эмас, гулоб
Сепганча кетурмен энди ўлимга,
Фақат ўтинчим бор сенга, инқилоб,
Кесилган тилимни қайтар элимга.

## АЛЛА ТАЪРИФИ

Болам, бир қўшиқ бор дунёда, болам,
Илк бора отадай айтайин уни.
У қўшиқ энг буюк бир кундир,
Жаҳон шоирларин туғилган куни.

Болам, бир қўшиқ бор дунёда, болам,
Унинг офтобидан руҳингни бойит.
У қўшиқ энг буюк бир ойдир,
Жаҳон халқларининг туғилган ойи.

Болам, бир қўшиқ бор дунёда, болам,
Унинг куйларидан чиқсин-да, тилинг.
У қўшиқ энг буюк йилдир,
Жаҳон Ватанларин туғилган йили.

Болам бир қўшиқ бор, оҳангларидан
Ҳаёт кўкраклари туради ийиб.
Болам, у қўшиқни аёллар ҳар кун
Қуёшнинг сутига олади чайиб.

Болам, бир қўшиқ бор дунёда, болам...



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ЎТМИШ БИЛАН МУЛОҚОТ

Қачон гулдирайсан, қачон тегирмон,
Мунғайиб жавдирар бўшаган саноч?..
Юрагим, юрагим, бўла қолгин дон,
Қушлар чирқирайди... Қара, қушлар оч.

Эплай олмадик-ку, биронта шеърни,
Ширин ваъдаларни ичганмиз олдин.
Қушлар чирқирайди куйдириб ерни,
Юрагим, юрагим, дон бўла қолгин.

Анграяр фалакнинг икки палласи,
Гулдиратар тушларимни тегирмон.
Қарсиллаб турибди қишнинг чилласи,
Юрагим, юрагим, бўла қолгин дон.

## ҚАДИМГИ БИТИК ТОШЛАРГА ЁЗУВЛАР

### *Сўз*

I

Баридан муқаддас сўз бўлди фақат —
Тангрилар инсондан қизғанган даҳо,
Боши бир ёқадан чиққан мамлакат,
Мангуликни йўргаклаган ибтидо.

Баридан муқаддас сўз бўлди фақат...
Оламдан ўтганни тупроқ остига,
Тупроқнинг устига сўзни қўйдилар.
Қуёшдан уялиб, ойдан уялиб,
Яланғоч юраклар сўзни кийдилар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## *Ташлаб кетилган минг йилликлар*

II

*Бечора бўм-бўш уй, эй, сағир...*
*Р. Парфи*

Чўккан харобадай мунғайиб ётган
Минг йилликлар ичра тирик жон борми?
Барбод бўлган эллар фалакка отган —
Исён қолдиқлари ё фиғон борми?

Ким бор, минг йилликлар харобасида,
Бирон-бир нафас ё бир товуш борми?
Чўғ тишлаб зулматнинг исканжасида
Эркинлик қўшиғин айтган қуш борми?

Садо йўқ... Садо йўқ! На дард, на зорлар...
Сўз ҳайкалдай ўсган тош елкасидан.
Оғзин очиб ётар тилсиз мозорлар,
Барбод бўлган эллар хотирасидай.

## *Унутилган сўзлар*

III

Бошингиз устида йиғлайман,
Кўзим қароғида тунларни санаб,
Синган тобутлардан излайман,
Сўзларим излайман юрагим қонаб.

Руҳимда ҳансирар оғир қадамлар —
Сўнгги дармонига суянган сабот.
Сизни тили билан туққан одамлар
Хотираси билан ўлдирса, наҳот...



www.ziyouz.com kutubxonasi

## *Битиктошлар ҳомиласи*

IV

Оғироёқ тошларнинг ҳомиласи — шоирлар,
Уч минг йилдан бери дарднинг тишлари билан
Аямай юрагин тишлаб келган шоирлар.

Тошларнинг тор қорнида уч минг йилдан бери
Юзлаб машраблар ягона бир шеърни айтар,
Тошларнинг тўлғоғи ҳақида у шеър...
У шеър...
Оғироёқ тошларнинг ҳомиласи — шоирлар...

## *Ўлмас аскарлар*

V

Кўз ўнгимдан саф-саф сув аскарлари,
Мунглуқ яловларни кўтариб ўтар.
Ўтмишнинг қон юзли тош дафтарлари
Менга
Бир халқ шаклидаги сўзларни тутар:
— Қайсининг қўли йўқ... Қайсин оёғи...

Барининг оғзига тўлган юлдузлар.
Маъюс ҳилпирайди идрок байроғи,
Келар суяклари қисирлаб сўзлар.
Баҳайбат ўйиқ бор кўкракларида,
Замонларнинг даҳшатлари дастидан,
Бир Ватанни тутиб киприкларида,
Бир халқ чиқиб келар ернинг остидан.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## VI

### *Мағастви*[1]

Мағастви, Мағастви, буюк бўдистав,
Ҳар кимда ўзгача руҳий тантана,
Камолот пойида вужуд деган сатҳ,
Сен йўлбарс қошига бординг мардона.
Бординг, қирмиз тўлқин вужуд сатҳида,
Шовуллаб руҳингга бағишлар бахт.
Оч барс ҳолсиз ётар оёқ остида,
Ўмган томирингдан тўкилар ҳаёт.
Сен шундай мардона-мардона бординг,
Оч йўлбарс танига куч бўлайин деб,
Етти боласига сут бўлайин деб,
Гўзал вужудингдан кечиб юбординг
Мағастви, Мағастви, буюк бўдистав,
Томирингдан оққан чечакларингдан
Руҳнинг осмонига учди юлдузлар.
Йўлбарснинг қуриган эмчакларидан
Сут каби тизиллаб тўкилди сўзлар.

## VII

### *Қошғарий ёди*

Сиз нега нотинчсиз, Маҳмуд Қошғарий,
Сўзчилардан кўра кўпми пулчилар?
Тошлар тўлғоғига доя бўлмасми
Ўзбекистондаги тилчилар?

Сиз нега нотинчсиз, Маҳмуд Қошғарий?

---

[1] Мағастви — «Олтун ёруғ» битиктошидаги қаҳрамонлардан бири. У очликдан ўлаётган йўлбарсга раҳм қилиб, ўзининг жонини беради.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Юракдай ёрилиб бормоқда тошлар,
Улардан шоирлар чиқиб келмоқда
Оғзида тил эмас, бутун қуёшлар.

Сиз нега нотинчсиз, Маҳмуд Қошғарий,
Ҳоритиб қуйдими залворли йиллар?
Тунлар «Девонул луғотит турк»да
Қушлардай чуғурлаб чиқмасми диллар?

Сиз нега нотинчсиз, Маҳмуд Қошғарий!
Ўтди ўз ёғида куйган асрлар,
Бир замонлар оғир қўшиқлар айтган —
Ўзга либос кийди бугун фасллар.

Сиз нега нотинчсиз, Маҳмуд Қошғарий?..

## VIII

### *Мутолаадан сўнг*

Айланар сўзларга суриниб дилгир
Шафақларга тўлиб қолган кенгликлар.
Сўзларга суриниб тиниб-тинчимай
Фалак елинларин соғар ерликлар.

Қуроқ кўрпаларга айланиб тушлар,
Олов нафас билан аврар ҳисларни.
Нур ва зулмат аро қисилган қушлар
Олмадай чўқийди қадим сўзларни.

Битиктошлар дардин кўзимга битдим,
Кўнглимга чўктириб нолаларини.
Кул бўлган боғлардан тергани кетдим,
Боболарнинг олтин олмаларини.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## СЕВГИНИНГ БИР КУНИ

Айланар оғир-оғир,
Оғир-оғир фалаклар.

Оғир-оғир силкиниб,
Куйлайдилар тераклар.

Ой сўнар аста-аста,
Аста-аста юлдузлар.

Аста-аста тебраниб,
Кириб келар кундузлар.

Учади енгил-енгил,
Енгил-енгил хаёллар.

Енгил-енгил сочингга
Шўнғийдилар шамоллар.

Ўйлайсан ёниб-ёниб,
Ёниб-ёниб ўтар кун.

Ёниб-ёниб даричанг —
Саждагоҳга келар тун.

Тушларинг ширин-ширин,
Ширин-ширин мени бор.

Ширин-ширин таъбири:
Унинг мену сени бор.

Яшайсан бахтли-бахтли,
Дардли-дардли кутасан.

Дардли-дардли ўзингга
Шивирлайсан: «Севаман...».



www.ziyouz.com kutubxonasi

## БАХТНИНГ ЎЛЧОВИ

Бир ажаб қуёшли кунлар бошланди...
Ҳар кун йўл четида чангларга ботиб,
Ўйнаб ўтирар бир яланғоч бола.

Дунёда энг бахтли одам шу бола,
Қуёшни симирар, елларни ичар,
Ҳовучлаб тупроқни сочар бошидан,
Кир-чир баданлари яйраб, энтикиб,
Осмоннинг мовий чалобин симирар.

(Аста костюмингни ечиб қўясан).

Шаппатилаб қўйиб қорнига бола,
Танин қитиғлаган нур бармоқларин,
Тўзғитиб қушлардай ҳайдар нарига.
Қуёш бўйинларин қашлайди унинг,
Пахмоқ сочларига кўмилиб кетар.

(Ечасан бўйинбоғ, кўйлакларингни).

Куп ухлар бош қўйиб болдирларига,
Кир-чир товонларин ювади тупроқ...
Бахтли бўлгинг келар шу бола каби
Қуёшли кунларнинг ичида бахтли...

Ечасан ботинканг ҳамда шимингни,
Шунда бирдан кулиб юборар бола,
Қиқирлаб-қиқирлаб кулаверади.
Уялмасдан шундоқ йўлнинг четида
Кап-катта одамнинг ечинганидан
Кулади яланғоч, ақлли бола.

Кийиб ололмайсан қуёшли кунни —
Бу бахт ўлчанмаган сенинг руҳингга,
Бу бахт минг газ катта сенинг танангдан.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Теграngда ер бўлиб айланар замон...
Юраклар, туйғулар қолмишдир сабил.
Қарайсан қақшаган деразанг томон:
«Ў, яна ўшами... Ўша... Эшқобил».
Кирғоқлар қариди. Ўчди изларим
Самовий чангларга айланди кўнгил.
Фақат эшигингни тирнар кўзларим:
«Ў, яна ўшами... Ўша... Эшқобил».
Не-не замонларни санар дақиқа,
Ҳаётга эртаклар бўлолмас кафил.
Фақатгина қолди битта ҳақиқат: —
«Ў, яна ўшами... Ўша... Эшқобил».
Теграngда Лайлилар овозалари,
Ойдин қайғуларга тутинган сингил.
Кулар юрагингнинг дарбозалари: —
«Ў, яна ўшами... Ўша... Эшқобил».
Уёғи не бўлар? Бахтми, кўргулик?
Деразангдан нари бепоён, бедил.
Ястаниб ётади шундай мангулик: —
«Ў, яна ўшами... Ўша... Эшқобил».
(Ўў) (янаа) (ўшаами) (ўшаа) (Эшқобиил).

* * *

*Қора холига бахш этгум*
*Самарқанду Бухорони.*

*Ҳофиз*

Нимани истадинг, барини бердим,
Булутлар патидай кетдим сочилиб.
Ўзимни оламдай туғанмас дердим,
Кўкрагим бўшлиқдай қолди очилиб.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Барини бердим-ку, мен энди йўқман,
Ҳатто томчи қони, на бир сўзи йўқ.
Ярим оғиз исмим бўлган чоғда ҳам,
Лутф ила тутгувчи қўлининг ўзи йўқ.

Раъно, барин бердим ўзимда бўлган,
Боқасан кўп нарса кутиб дафъатан.
Кўкрагида фақат битта мушт қолган
Боши, оёғи йўқ мустамлакадан.

* * *

Раъно, бу гулларни узмоғим учун
Ўн олти ёшимга қайтмоғим керак.
(Кўзим диёрида очилган гуллар.)

Қоғоз ўчоқларнинг қаҳрига ўтин
Қўлимда узилган гул каби юрак.
(Севгининг энг сўнгги гуллари
титрар.)

Сен учун юз йилда хато қилмасдан,
Бу нафис гулларни экмишдир худо.
(Кўзим диёрида очилган гуллар.)

Ўн олти ёшимга қайтиб бормасдан,
Уларни узмоққа ҳаққим йўқ асло.
(Севгининг энг сўнгги гуллари
титрар.)

* * *

Менинг қўлим очиқ, қўлларим очиқ,
Каптарлар дон териб едилар ундан.

Менинг қўлим очиқ, қўлларим очиқ,
Юлдузлар қон сўриб эдилар ундан.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Менинг қўлим очиқ, қўлларим очиқ,
Турналар арғимчоқ солдилар унда.

Менинг қўлим очиқ, қўлларим очиқ,
Йўлларнинг излари қолдилар унда.

Менинг қўлим очиқ, қўлларим очиқ,
Кун ва тун бир-бирин топдилар унда.

Менинг қўлим очиқ, қўлларим очиқ,
Қутблар бир-бирин ўпдилар унда.

Менинг қўлим очиқ, қўлларим очиқ,
Эркакка топинди бор аёл унда.

Менинг қўлим очиқ, қўлларим очиқ,
Илк бор мева тугди мажнунтол унда.

Менинг қўлим очиқ, қўлларим очиқ,
Кезди сулувларнинг қўллари унда.

Менинг қўлим очиқ, қўлларим очиқ,
Сенинг қўлларингдан айрилган кундан!

* * *

О, уятчан намозшомгуллар,
Шеърнинг дилбар сингилчалари...
Қалбни суянг хайрихоҳ қўллар,
Шом гуллари — тун дарчалари...

О, уятчан намозшомгуллар,
Қўшиқ айтай шом чоғи сизга.
Дардларимни қўярсиз йўллаб,
Олис юртда қолган бир қизга.



www.ziyouz.com kutubxonasi

О, утчан намозшомгуллар,
Қизчалари Бибихонимнинг,
Ўлимгамас, шом чоғи йиллаб
Мен севгига бердим жонимни.

О, уятчан намозшомгуллар,
Гўзалликнинг пок қизчалари,
Супурмоқда кўксимдан еллар,
Синиб қолган юлдузчаларни.

О, уятчан намозшомгуллар,
Қўшиқ айтай шом чоғи сизга.
Дардларимни қўярсиз йўллаб
Олисдаги танишингизга...

О, уятчан намозшомгуллар...

## ЕРИТҚИЧЛАР ҲАДЯСИ

Юлдузлар бир тилни ўргатди —
Синиб-синиб сувдай сочилгувчи тил.
Ой шафақ қонига ийланиб ботди —
Севги тандирида қизарган кўнгил.

Август кечаларин ягонасида
Мен сенга дардимни айтаман... Кутгил.

Кўнглимни бешикдай тебратди
Шафақнинг сувига чўмилган оқ гул.
Юлдузлар бир тилни ўргатди —
Юракдай-юракдай сўзлари бор тил.

Август кечаларин ягонасида
Мен сенга дардимни айтаман... Кутгил.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Титроқ новдаларда уйғонар ҳаёт,
Сарғайган қор каби эриб битар дард.
Яшил туйғулардан чайқаласан шод,
Февраль ўтиб борар, яқинлашар март.

Мусаффо руҳингни алқайди қушлар,
Майсалар — ҳаётнинг ширин тиллари.
Уйқунгни тўлдирар энг гўзал тушлар,
Ойнинг нурларини силар қўлларинг.

Кунларнинг чирейи очилиб борар,
Очилиб борасан кунлардай гўзал.
Икки фасл сенинг кўнглингга қарар,
Кўнглингни авайлаб қисқарар февраль.

Унинг ҳиммати кенг, токи сен борсан,
Йигирма саккиз кун танти сайёрга.
Кундан-кун гўзалсан ва бахтиёрсан,
Февраль бир жуфт кунин сочар баҳорга.

Ҳавасим сенгадир. Шодлик ортмоқда,
Сарғайган қор каби эриб кетар дард.
Менинг юрагимдан февраль ўтмоқда,
Сенинг юрагингга кириб борди март.

* * *

Сочлари сумбул-сумбул...
Сочлари...
Келбат кериб келаётган, келинной,
Ой билан очиб кўнгил... қошлари
Ойнинг камин тўлаётган, келинной,



www.ziyouz.com kutubxonasi

Сочингизнинг савдолари бошимда,
Ичингизда сирлар кетди сиз билан,
Дардларингиз қолди менинг тошимда.

*Хилъати тароқ-тароқ, хилъати*
Ярақ-ярақ келаётган, келиной.
Сарв ила бас бойлашиб келбати
Сарвнинг камин тўлаётган, келиной.

*Сарв қаддингиз савдолари бўйнимда*
Очилмаган гуллар кетди сиз билан,
Бир ўчоғ чўғ қолди менинг қўйнимда.

Сочлари сумбул-сумбул... Сочлари...

* * *

Сув устида, сувлар устида
Юракларим чисирлайди-ей,
Ишқ дастидан, ҳижрон дастидан
Суякларим қисирлайди-ей.

Ўт устида, ўтлар устида
Кўз ёшларим дарё бўлди-ей,
Ишқ қасдида, ҳижрон қасдида
Бардошларим адо бўлди-ей.

Тош устида, тошлар устида
Кўнглим эрир ой каби маъюс.
*Ишқ фаслида, ҳижрон фаслида*
Йиғла, Баҳор, менинг исмим — куз.

Йўл устида, йўллар устида
Оёқларим юрак бўлди-ей,
Ишқ касридан, ҳижрон касридан
Умрим фақат тилак бўлди-ей.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ҲАЙДОВ

*(«Чўлда юрган ой» туркумидан)*

Қўйлар булутларни ичиб қуйдилар
Майсаларнинг яшил қонига қўшиб.
Иссиқ юлдузлардан қирлар тўйдилар,
Июнь ўтиб борар ҳовлиқиб, шошиб.

Яшил чимилдиқнинг оҳори синди,
Адирлар бевадай қолди мунғайиб.
Қуёшнинг бўғзидан учган қиринди —
Куйган ўт-ўланлар ётар сарғайиб.

Чўлни боғлаб олиб ҳуштакларига
Палаҳмон тошидай ўйнатар қуюн.
Кунларини ўраб пўстакларига
Қора терга тушиб ҳарсиллар июнь.

Июнь силкитганча олов таёғин,
Ҳайдайди пишқириб, ҳайдар беомон
Чўпону қўйларни — доғлаб оёғин —
Июлнинг кўкарган тоғлари томон.

## НАСИБА

*(«Чўлда юрган ой» туркумидан)*

Ҳаво чангларини чалиб боради
Чўпоннинг ўйноқи заранг таёғи.
Хуржуни ойларга тўлиб боради,
Эшакнинг қорнида ўйнаб оёғи.

Ортида итлари ғингшир, ҳурпайган
Жунларида кўпчиб пуфак юлдузлар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Чўлонининг таёғи тешган осмондан
Кўзиқоринлардай тўкилар излар.

Саҳро томирлари титраб қолади,
Чўлнинг ҳам ўз бахти бордир ҳар қалай.
Чўпон кўкка юзин ювиб олади,
Хуржунга қарайди — хуржун тўла ой.

## СУМБУЛА

«Сумбула-ё, Сумбула,
Ўраб олай гул билан.
Менинг кўнглим сиз билан-эй,
Сиз кетасиз ким билан?»
Сумбула, жон, Сумбула.
Турналарим кетмоқдалар кўз ёшдай қатор-қатор,
Турналарим кетмоқдалар сочларингиздай узун.
Осмонда булут бўлиб йиғлайди ғамгин баҳор,
Қалдироқлар қулаб кетар кўкдан ерга сиз учун.
Сумбула, жон, Сумбула.
Сиз кетасиз ким билан?

Оҳ чекаман, кўзларимдан зор-зор оқади Сурхон,
Хаёлимнинг осмонини қоплайди сирли титроқ.
Юраккинам бўзлаб чиқар тун бўйи шамдай гирён,
Юраккинам — кемалари қайтмаган етим қирғоқ.
Сумбула, жон, Сумбула.
Сиз кетасиз ким билан?



www.ziyouz.com kutubxonasi

Очиқ қолган қўлларимда титрар тола
сочингиз,
Кетажаксиз, бир тола соч — узун-узун хотира.
Кимларга ёр бўлғусидир ул мунис қарошингиз,
Сумбулажон йиғлар бўлди ҳижронларга асира.
Сумбула, жон, Сумбула,
Сиз кетасиз ким билан?

«Алвидо...» деб кўзларимнинг қароғидан
учяпсиз,
Турналарим кетмоқдалар кўксимдаги
осмонда.
Жимгина бошлар эгик, келин бўлиб кетяпсиз,
Аро йўлда бир юрак тушиб қолар карвондан.

Сумбула, жон, Сумбула,
Сиз кетасиз ким билан?

## НАЖОТ

*(«Чўлда юрган ой туркумидан»)*

Булутлар қорларнинг қўйнида ухлар,
Чўл қисирлар аёз қамчиларидан.
Қирлар тун бетига уфурган ухлар
Музлайди изтироб томчиларидан.

Чўпон ҳолдан тойди... Йўл мунча узоқ...
Осмонларга учиб кетганми ўтов?
Умидлар музлайди, музлайди титроқ —
Кўзида аёли, болалар — еттов.

Кўкйўтал тутгандай кўкаради тун,
Адашган нурларнинг йўлини тўсиб.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Музлаётган чўпон елкаларидан
Улкан, оппоқ бир тоғ чиқмоқда ўсиб.

Чўпон елкасида — тоғ орасида,
Икки қўллаганча, қаддин этиб ёй,
Кенг, баҳайбат осмон тоғорасида
Чўғ олиб югуриб келаётир ой.

## ЁМҒИРДАН ОЛДИН

*(«Чўлда юрган ой» туркумидан)*

Шомдан сўнг, ёмғирсиз кунлардан ўксиб,
Ҳориб ўтовига қайтди чўпонлар.
Оёғи остига ой нурин қалаб,
Ўзига ўт қўйди зарҳал қўтонлар.

Қўтонлар ярқирар, ёнар товланиб,
Ёғдуларни қуйиб найлар оғзига.
Кетар майсаларнинг туши доғланиб,
Еллар куй пуфлайди найлар бўғзига.

Ўтовнинг ҳузурли қучоқларида,
Оёқлар чигилин ёзар чўпонлар.
Чўлнинг зарҳал тусли байроқларидай
Найларнинг тизмаси — ёнар қўтонлар.

Бўйни, оёғидан боғлаб ташланган,
Қўйлар қулоғидай тешилган тили,
Минг-минглаб найларнинг тўйи бошланди,
Бешикдай тебратиб ухлаган чўлни.

Нурларда ярқираб ёнган қўтонлар
Ичра ой ёнбошлар — уй тиккан ҳумой.
Туйнукдан юрагин отди чўпонлар:
«Хайрият, хайрият, қўтонлади ой».



www.ziyouz.com kutubxonasi

## МУВОЗАНАТ

Бу тор хона эмас, балки бу осмон,
Юлдузларни гулдай сочмоқда шамол.
Юрагимга етиб келдингми омон,
Эшикка суяниб жилмайган, аёл.

Руҳимда олмалар гуллади тўлиб,
Ногаҳон гуллаган эшик сингари.
Тафтли қўлларингдан тутмоқчи бўлиб,
Юлдузлар қитиғин қўзғар қўлларим.

Менинг дунёларим қанча бетартиб,
Сенинг дунёларинг шунча саришта.
Бекасиз самога бергали тартиб
Ортингдан келмоқда қирқ минг фаришта.

Бу тор хона эмас, балки бу осмон —
Юлдузлар сувидан тўйинган хаёл,
Қушлар тумшуғидан титраб турар тонг,
Эшикка суяниб жилмаяр, аёл.

Руҳимдан булоқлар чиқади сизиб,
Ногоҳ эриётган осмон сингари.
Мадонна суратин турарди чизиб,
Изтироб рангларини териб кўзларим.

Қирқ ўрим сочининг васфига, илло,
Ҳофизлар юраги бўлди қасида.
Европани берар Микеланжелло
Ўрта Осиёнинг мадоннасига.

Бу тор хона эмас, балки бу осмон,
Ўн беш дақиқада ой топган камол.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Олтмиш минг томирдан сачраб кетар қон —
Эшикка суяниб жилмаяр, аёл.

Кўзлари руҳимга оловни қалаб,
Киприк-ла чўғларни тортадилар хўп.
Қўллари осмондан юлдузлар тилаб,
Уларнинг чангини артадилар хўп.

Пастда зулмат, бўшлиқ макон қурибди,
Бу ерда ҳаёту у ёқда завол.
Икки жаҳонимни суяб турибди,
Эшикка суяниб жилмайган, аёл.

## ЮРАКНИ УЙҒОТИБ ЮБОРИНГ

Юракни уйғотиб юборинг...

Тинглайин юлдузлар қўнғироғини,
Майин қора ўтни кечиб ўтаркан,
Шамолларнинг нафис титроғила...

Юракни уйғотиб юборинг...

Қора ҳаволарда ойдин хўрсиниқ,
Суйгум келаётир куйиб-куйиб мен.
Уйқулар оқади сув каби тиниқ,
Тушларни томоша қилай тўйиб мен.

Юракни уйғотиб юборинг...

Суйгум келаётир... Гул косаларга
Қуйиб кўзларимни ичар юлдузлар.
Парча-парча ойдай кулгулар билан,
Ўн саккизга кириб туғилган қизлар,

Юракни уйғотиб юборинг...



www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Иккимиз ялпизлар ичида эдик...
Беомон ўрдилар уларни,
Яшил доғлар қолди юзларимизда.

Иккимиз юлдузлар ичида эдик...

Бенарвон урдилар уларни,
Синиқлари кирди кўзларимизга.

Иккимиз кўз ёшлар ичида эдик...

Бу аччиқ ёшлардан, куюк ёшлардан
Ғийбат бозорларин безади улар.

Иккимиз сулиб тошлар ичида эдик...

Бу бахтсиз тошлардан, шўрлик
тошлардан
Ўзларига ҳайкал ясади улар.

## АССАЛОМ

Ассалом!
Икки ямлаб бир ютарди ялмоғиз,
Агар сен бўлмасанг тилимнинг гули.
Борса-келмас томон кетарди шаксиз
Юракларни қўшган — дўстликнинг йўли.

Қайга бормай «Ассалом» бор қўлимда...
Қутламоқ-чун ўзгаларнинг қўлини,
Кафтимда авайлаб олиб юраман
Тилимнинг энг сўлим, иссиқ гулини.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ЧАНҚОВУЗ

Тилим тийилди менинг, сўзим қийилди
менинг,
Пўлат тил топиб олдим, ҳаво сўз топиб
олдим.

Чанқовуз чанқаб қолди —
Кўз ёшга чайқаб олдим.

Чанқаган оғзим менинг, чарнаган ўзим
менинг,
Қалбнинг ёруғ қаъридан синмас тил топиб
олдим.

Чанқовуз чанқаб қолди —
Дардимга чайқаб олдим.

Паранжининг ичида бағрим ўйилди менинг,
Тилим тийилди менинг, сўзим қийилди
менинг.
Пўлат тил топиб олдим, ҳаво сўз топиб олдим.

Чанқовуз чанқаб қолди —
Оловга чайқаб олдим.

## БИБИЗИЛОЛ ҲИКОЯТИ

I

Эри ўлди Бибизилолнинг...
Келинчаклик даври ўлди,
Беланчаклик ўйлари ўлди.
Кун — мотам. Тун — мотам.

Йиғининг қанотлари улкан,
Кулгунинг лаблари йиртилган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Эри ўлди Бибизилолнинг...
Ойдай тўлган дамлар тўкилди,
Сойдай кўздан ғамлар тўкилди,
Кун — йиғи, Тун — йиғи.
Тонглар синди, шомлар сўкилди.
Ой — ёғий. Кун — ёғий.
Лаҳзалар — ёғий.
Эри ўлди Бибизилолнинг...

## II

Йил ўтди.
Эри ўлган Бибизилолнинг.
Келинлиги бешикда ўлган,
Орзу-ҳавас тўшакда ўлган,
Дийдорлар эшикда ўлган.
Кун оғир, Тун оғир,
Куяди бағир.
Оғир...
Ахир
Йигит ўлган.
Эри ўлган Бибизилолнинг.
Совчиларни ёғди тўрт тараф,
Қуп-қуруқ елинни соғди тўрт тараф.
Кун — раддия. Тун — раддия,
Бибизилол қасам кўтарди:
«Агар эрга тегсам,
Отам эрим бўлсин», — дея
Сўнгра ўзга йўлга оғди тўрт тараф.

## III

Йиллар ўтдилар.
Эри ўлиб кетган Бибизилолнинг.
Дунё-да, бечора ёш қолган,



www.ziyouz.com kutubxonasi

Эр кетган, кўксида тош қолган.
Эр деб эримайди бу тош,
Кўр еб қаримайди бу тош.
Қаранг, қаримайди бу тош.
Кун ўтар. Тун ўтар.
Яралар битар.
Яралар ўтмиш.
Яралар — ўтмиш.
Эри ўлиб кетган Бибизилолнинг.
Ёлғизлик жонларга тегар-ку,
Бу дунё қонларга тепар-ку.
Ёлғизликнинг йўллари узун,
Аёл кўнглин торлари узун.
Ёлғизлик, ёлингни елга тут,
Дунё, аёлингни эрга тут.
Тун — хоҳиш.
Кун майин.
Бибизилол қарор кўтарди:
«Иштоним увада бўлиб қолди-ку.
Менга иштон олиб бер, қайин».
Эри ўлиб кетган Бибизилолнинг.

IV

— Кўксингда ётган тош эриди,
Кўзингда қотган ёш қариди.
Бибизилол, қасаминг қани?
— Қасами қасноқ-да,
Ошни е, дунё.
— Эрингнинг тўшаги ёзилди,
Бегона оёқлар босилди.
Бибизилол, қасаминг қани?
— Қасамни қусмоқда,
Қистама, дунё.
— Йиғилар йиғилиб буғланар, йитар,
Тилинг ўз сўзидан булғанар кетар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Бибзилол қасаминг қани?
— Қасами қасами[1]
Қистама, дунё.
— Харом ўлган қасамингни менга бер,
Ошалмаган ошамингни менга бер.
Бибизилол, қасаминг қани?
— Қасами қассобда,
Тошни е, дунё.

V

Йиллар ўтдилар.
Аввал ҳам эри бўлганмикин,
Ўша эри ўлганмикин
Бибизилолнинг.

## ТУГАЛЛАНМАЙДИГАН ШЕЪР

Бу юрак минг йилдан бери яшайди,
Сизни соғинади, сизни қўмсайди.
Кундан-кун қаттиқроқ севгиси келар,
Тошларга урилиб, сувларга чўкиб,
Чўғларга кўмилиб севгиси келар.
О, сиз, бу юракнинг ватандошлари,
Ҳаводошларию тупроқдошлари,
Очинг эшикларни, деразаларни,
Ахир бу юракнинг севгиси келар,
Янада қаттиқроқ севгиси келар.
Унинг томирлари гуллаб боради,
Деворлари нурдан тикланиб борар.
Очинг чеҳраларни, очинг кўзларни,
Бойланган тилларин очинг сўзларнинг,
Ахир, бу юракнинг севгиси келар.

[1] Қасами — қасамхўр.



www.ziyouz.com kutubxonasi

О сиз, бу юракнинг туйғудошлари,
Хаёлдошларию осмондошлари,
Сизга қандай айтсин, қандайлар айтсин,
Бу юракнинг фақат севгиси келар,
Яна-да қаттиқроқ севгиси келар.

## ОЙДИН ҚАЙҒУ

Ўн олти ёшимнинг диёрларида
Қизғин шафақларни кийган кунсулув,
Тунларнинг сим-сиёҳ дарёларига
Дарё сочларини чайган тунсулув,
Тилим сочқи товуш — қанисанув

Ўн олти ёшимнинг диёрларида
Ялпизлар сутидан тўйган гулсулув,
Юлдузларнинг тилло киприкларида
Шокила-шокила ёнган дурсулув,
Кўнглим етим қуш — қанисанув

Ўн олти ёшимнинг диёрларида
Тошлар чанқовузини чалган куйсулув,
Юрагимнинг ғариб шохчаларига
Ўттиз хил кўйлагин илган ойсулув,
Сўзмас, бу узун туш — қанисанув

Ўн олти ёшимнинг диёрларида
Қизғин томирларим сочган жонсулув,
Қобирғалар қисган қизғалдоқларнинг
Оғзидаги қулфни очган руҳсулув,
Кўзларим бўм-бўш... қанисанув.

## ОРОЛ

«Ҳамиша оқади оққан дарёлар»
Деб ҳикмат айтганлар, ўтган боболар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўзани бузилиб оқмай қўйса халқ,
Оқмай қўяр экан оққан дарёлар.

## УЛҒАЙИШ

Кўзлардан байроқлар ўсиб чиқади...
Онангнинг синглингга мерос рўмоли
Сенинг кўзларингдан ўсиб чиқади
Ҳилпираб ҳаволи-ҳаволи...
Кўзлардан байроқлар ўсиб чиқади.

Кўкракдан бир Ватан ўсиб чиқади...
Отангнинг авлодга мерос тупроғи
Сенинг кўкрагингдан ўсиб чиқади
Силкиниб залворли-залворли.
Кўкракдан бир Ватан ўсиб чиқади.

## ҚИЗ ҚЎШИҒИ

Ёрилтошлар ёрилди,
Ёрилмадинг сен.
Бурим сочлар сорилди
Бурилмадинг сен.

Бу фалак ёлғон экан,
Ўйини — талқон экан.
Ёмғири ёқут эмас,
Бор-йўғи ёвғон экан.

Борса-келмас эврилди,
Эримадинг сен.
Қабр тошлар тирилди
Эримадинг сен.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу фалак ҳақрост экан,
Эрмаги — ихлос экан.
Анжуми инжу эмас,
Ўтли тош холос, экан.

## ИНҚИРОЗ

*Ҳўкизнинг шохига урса,*
*туби зирқирайди.*

*Халқ мақоли*

Кунгира-кунгира йиллар қадоғи
Сирқираб-сирқираб ётар суякка.
Ернинг қўли етмас, кўкнинг оёғи
Ҳўкизнинг шохида турган юракка.

Тилларим ёлғон-а, кўзларим ёлғон,
Кел, гулдор рўмолин ёйганда фалак.
Ҳўкизнинг тубида кечар қатағон,
Шохида гумбурлаб уради юрак,.

Кел...

Сумбула сувлардан сўрайди нафас,
Шамоллар сочларин эшмас кўкракда.
Олтин туға ҳўкиз бурнида эмас,
Шохлари санчилиб турган юракда.

Кўнгира-кунгира йиллар қадоғи,
Сирқираб-сирқираб етди суякка.
Менинг қўлим етмас, сенинг оёғинг
Ҳўкизнинг шохида турган юракка.

## ОРАЛИҚЛАРДА

Кўнглим сувайдоси, кўзим сайгули,
Заҳри ҳам новвотей, чашми қиймочим,



www.ziyouz.com kutubxonasi

Куйган устихонда ўстирган гулим,
Олам: «вижир-вижир», мен: — «ҳажр-ҳажр», сен — қалдирғочим.

Бағримни чангаллаб юлди чарновуқ,
О, бағри шамолим, чилторим чарнар.
Мен — қўли қуп-қуруқ қолган чирмовуқ,
Олам: — «қурей-қурей», мен: — «хорей-хорей», сен — етим турнам.

Кўнглим сувайдоси, кўзим сайгули,
Бу занжир товуши... айланмас тилим.
Сен — ғамнинг бир қўли, бахтнинг бир қўли,
Олам: — «чип-чип-чип-чип», мен: — «ғип-ғип!.. ғип...» сен — соқов булбулим.

## СЕҲР

Кеча дилдан қолди, қолди-я, тилдан...
Ҳилол этагида йиғлаётган сен.
Қадимий оятлар битилган йўлда,
Эшқобил эмасман энди мен.

Денгизлар кўкариб тортади чилим,
Бахмал булутларни кияётган сен.
Олтин балиқчага айланди тилим,
Эшқобил эмасман энди мен.

Ғуборли туманлар чимилдиғида,
Олов қанотида титраётган сен.
Қара, кўзларимнинг топилдиғига,
Эшқобил эмасман энди мен.

Кеча дилдан қолди, қолди-я тилдан,
Нафас торларимда ухлаётган Сен.
Қушдан илдиз олдим, қанотни гулдан,
Эшқобил эмасман энди мен.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## РУҲНИНГ ПАРВОЗИ

Ой бориб омон қайт, кўнглим-а,
Тилимнинг остида эрир қайроқтош.
Қирқ қизнинг юраги титрар қўлимда,
Елкамга суянар қирқта ўн беш ёш.

Ой бориб, омон қайт, кўнглим-а,
Меҳр ўчоғида куяр бу жоним.
Олов сочиб турар бахтли қўлимда
Битта вужудимга қирқта виждоним.

Ой бориб омон қайт, кўнглим-а,
Йўл олиб сафари бехатарлардан.
Мен ахир бир оға қирқта синглимга,
Ҳимоя қарзим бор кабутарлардан.

Ой бориб, омон қайт, кўнглим а...

www.ziyouz.com kutubxonasi

# МУНДАРИЖА

«Кўнглимни тошга ёрдим» . . . 3
Боймоқлида баҳор . . . . . 3
Тинчлик хусусида нутқ . . . . 4
Шоли қўриқчиси . . . . . 5
Суюнчи . . . . . . . 6
Кўпкари . . . . . . . 6
Худбинлик . . . . . . . 8
Янги йил шеъри . . . . . 8
Бойқаро. 1501 . . . . . . 9
Ҳолат . . . . . . . 10
Миннатдорчилик . . . . . 10
Норбой ака марсияси . . . . 11
Дунёнинг тинчлиги . . . . . 12
Меҳринисога айтган алламиз . . . 13
Пабло... 1973 . . . . . . 13
Қани, сенинг овозинг? . . . . 14
«Мен қўрқаман мажнунтолнинг...» . . 16
Менгим Момонинг йўқлови . . . 16
Бобо деҳқон . . . . . . 18
«Дарахтим» . . . . . . 19
Руҳим . . . . . . . 20
Тўққизинчи февраль . . . . . 20
Энг қадимги қўшиқ . . . . . 21
Декабрь . . . . . . . 22
68 сўм . . . . . . . 23
Қайтиш . . . . . . . 25
«Жимгина...» . . . . . . 26
Қариянинг ўлими ҳақидаги хабардан сўнг . 26
Номукаммаллик . . . . . . 27
Зўраки қаҳ-қаҳа . . . . . 29
Мангуликдан кетган дарз . . . . 31
Майна Ҳасанова . . . . . 31
Алла таърифи . . . . . . 32
Ўтмиш билан мулоқот . . . . 33
Кадимги битик тошларга ёзувлар . . 33
Севгининг бир куни . . . . . 38
Бахтнинг ўлчови . . . . . 39
«Теграңгда...» . . . . . . 40
«Нимани истадинг» . . . . . 40
«Раъно...» . . . . . . . 41



www.ziyouz.com kutubxonasi

«Менинг кўлим очиқ» . . . . 41
«О, уятчан...» . . . . . . 42
Ёритқичлар ҳадяси . . . . . 43
«Титроқ новдаларда...» . . . . 44
«Сочлари сумбул-сумбул...» . . . 44
«Сув устида...» . . . . . . 45
Ҳайдов . . . . . . . 46
Насиба . . . . . . . 46
Сумбула . . . . . . . 47
Нажот . . . . . . . 48
Ёмғирдан олдин . . . . . 49
Мувозанат . . . . . . 49
Юракни уйғотиб юборинг . . . . 51
«Иккимиз...» . . . . . . 52
Ассалом . . . . . . . 52
Чанқовуз . . . . . . . 52
Бибизилол ҳикояти . . . . . 53
Тугалланмайдиган шеър . . . . 56
Ойдин қайғу . . . . . . 57
Орол . . . . . . . 57
Улғайиш . . . . . . . 58
Қиз қўшиғи . . . . . . 58
Инқироз . . . . . . . 59
Ораликларда . . . . . . 59
Сеҳр . . . . . . . . 60
Руҳнинг парвози . . . . . . 61

www.ziyouz.com kutubxonasi

**На узбекском языке**

ЭШКОБИЛ ШУКУРОВ

**ТВОИ ВОЛОСЫ**

*Стихи*

Редактор А. ҚУТБИДДИНОВ
Рассомлар В. ШУМИЛОВ, И. ЦИГАНОВ
Расмлар редактори А. МАМАЖОНОВ
Техн. редактор М. МИРРАЖАБОВ
Корректор О. ТУРДИБЕҚОВА

ИБ № 4108

Босмахонага берилди 09.09.87. Босишга рухсат этилди 31.03.88. Р 03031. Формати 70х90 1/32. Босмахона қоғози № 2. Адабий гарнитура. Юқори босма. Шартли босма л. 2,34. Шартли кр.-оттиск 2,48. Нашр л. 2,4. Тиражи 5000. Заказ № 57. Баҳоси 30 т. Шартнома 165—87.

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 700129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитетининг Бекобод шаҳар босмахонаси.

www.ziyouz.com kutubxonasi